

Япония сайёҳларни «Яшил масжид» лойиҳаси билан кутиб олади



16:51 / 06.10.2021 1628

Японияда кам сонли мусулмонлар бўлса-да, бироқ бу ерда машҳур дин Ислондир. Мусулмонларнинг аксарияти мусулмон муҳожирларга уйланиб, исломни қабул қилган аёллардир. Бу муҳожирларнинг баъзилари 1980 йилларда мамлакат иқтисодий юксалиш даврида саноат учун ишчи кучи керак бўлган пайтда келган.

Ислон ҳали ҳам Японияда озчиликни ташкил қилади ва у ердаги мусулмонларнинг сони ҳозирча номаълум. Баъзи маълумотларга кўра, уларнинг сони 50-70 мингни ташкил қилади дейилган. Шулардан 90% муҳожир. Япония мусулмонларининг аксарияти Токио ва Кобе шаҳарларида яшайди. Биринчи япон масжиди ҳам Кобеда қурилган.

Сидзуока — Япония ҳукумати қарори билан аниқланган шаҳар бўлиб, Сидзуока префектурасининг маъмурий маркази ҳисобланади. Шаҳарда 690 мингга яқин мусулмонларнинг кичик бир гуруҳи истиқомат қилади.

Сидзуока мусулмонлари ассоциацияси (СМА) - 2010 йилда унинг атрофида яшовчи мусулмонлар томонидан ташкил этилган. Бу уюшманинг мақсади — диний маросимлар, исломшунослик, ифторлик, хайрия тадбирлари, закот ва садақа йиғиш, жума намози ва Қурбон ҳайити ҳамда маърифий

тадбирларни ташкил қилиш орқали шаҳар мусулмонларининг ҳаёти ва ижтимоий эҳтиёжларини яхшилашдир.

Уюшма асосчиларининг фикрига кўра, бирлашишнинг мақсади япон халқининг маънавий эҳтиёжи эди. Уюшма сайтида ёзилишича, «2011 йилдаги вайронкор сунамидан кейин Япония оғир ҳолатга тушиб қолган. Афсуски, кўпчилик ҳалигача Ислом йўлига қадам қўймаган. Бу эҳтимол, жамиятда исломнинг кучсизлиги, аксарият японларнинг ислом ҳақида ҳеч қандай тасавурлари йўқлиги ёки нотўғри тушунганликлари билан боғлиқдир.

Баёнотга қуйидаги сўзлар киритилган: «Япония исломни ўрганишга тайёр деб ҳисоблаймиз ва сизнинг қўллаб-қувватлашингиз билан бу лойиҳа ҳақиқий Ислом таълимотларини намойиш қилиш учун платформа бўлиб хизмат қилади деб умид қиламиз».

Сидзуока мусулмонлари учун улкан лойиҳалар

Уюшманинг асосий мақсадларидан бири шаҳар мусулмонлари учун масжид қурилишига маблағ йиғишдир. Масжид ҳозир Сидзуока масжиди деб номланади. У бир пайтлар қурилган шаҳарнинг исломий маркази ва кундалик ибодат жойига айланиши мумкин бўлган лойиҳадир.

«Мусулмонлар озчилик бўлган мамлакатларда, одамлар исломни танишлари учун ёқимли ва таълимий муҳит яратишда масжидлар муҳим роль ўйнаши керак. Энди Япония Токио Олимпиада ўйинларини ўтказишни бошлаганида, биз японларнинг турли маданиятларидан, шу жумладан исломдан ўрганишга тайёрлигини кўраемиз. Шундай қилиб, ушбу лойиҳани бошлаш вақти жуда яқин», дея хабар берилади уюшма сайтида.

Шаҳарда қуриладиган масжид 400 кишилик сифимга эга бўлиб, учрашувлар ва тадбирлар учун алоҳида конференц зали бунёд этилади.

Бу лойиҳада Ислом маркази учун ҳам, масжид учун ҳам, ошпазлик дарслари учун ошхона ва болалар ўйин хоналарига жой ажратилган. Шунингдек, японларнинг ҳалол маҳсулотлари учун 3 та дўкон ва туристларга мўлжалланган 15 та хона қуриш режалаштирилган.

Масжиднинг қурилиш қиймати 6 миллион АҚШ долларини ташкил этади ва қурилиш муддати тахминан бир ярим йилдан ошади.

Дизайнерлар томонидан ўйлаб топилган, Сидзуока масжиди Япониянинг энг яшил масжидларидан бири ҳисобланади. Масжид дизайнерлари

экологик тоза бўлиб, жумладан, қуёш батареялари, шамол турбиналари, қудуқ суви ва маҳаллий қурилиш материалларини яратиш учун Японияда мавжуд бўлган энг яхши имкониятлардан фойдаланишни режалаштирмоқда.

Манба: Iqna.ir